

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш
бўйича
ҲИСОБОТ

1.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат тури, номи ва реквизитлари	Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августдаги “Банк сири тўғрисида”ги ЎРҚ-530-II-сон Қонуни
2.	ТСТБни ўтказувчи давлат органи ёки ташкилоти	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
3.	Ваколатли органларнинг хулосалари олинганлиги	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Рақобат қўмитаси Экология қўмитаси
4.	Сана	02.09.2026
Тартибга солиш таъсирини баҳолаш натижалари		
5.	Хулоса Таҳлил натижаларига кўра, банк сирини ташкил этувчи маълумотларни ошкор этмасликни назарда тутувчи тартибга солиш усули амалда ишламоқда. Амалдаги Қонун анъанавий модель, яъни банклар ва улар ўртасидаги мижозлар ҳамда учинчи шахслар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади. Бироқ, бугунги кунда молия бозори иштирокчилари сезиларли даражада кенгайиб бормоқда. Таҳлил давомида бир қанча салбий таъсир ва оқибатлар аниқланган. Шунининг билан олиб, мазкур тартибга солиш усулини амалда сақлаб қолган ҳолда мавжуд муаммоли масалаларни кўриб чиқиш ва қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурати мавжуд.	
6.	Ҳужжатнинг таъсир доираси Банк сирини ташкил этувчи маълумотларни объектлари — бу банк томонидан муҳофаза қилинадиган қуйидаги маълумотлар: - ўз мижозларининг (вакилларининг) операциялари, ҳисобварақлари ва омонатларига доир маълумотлар; - банк ўз мижозига (вакилига) банк хизматлари кўрсатиши муносабати билан мазкур мижоз (вакил) тўғрисида олган маълумотлар; - мижознинг (вакилнинг) банк сейфлари ва биноларида сақлаб турилган мол-мулки, унинг хусусияти ва қиймати ҳақидаги маълумотлар; - мижоз (вакил) топшириғига биноан ёки унинг фойдасини кўзлаб амалга оширилган банклараро операциялар ва битимлар тўғрисидаги маълумотлар; - банк сирини ташкил этувчи маълумотларнинг банклар ўртасида муомалада бўлиши натижасида маълум бўлиб қолган, бошқа банкнинг мижозига (вакилига) доир маълумотлар;	

- жамғариб бориладиган пенсия тизимининг иштирокчилари, пенсия бадалларининг миқдори ва суммаларининг ҳаракати, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги пенсия жамғармалари тўғрисидаги маълумотлар.

Банк сирини ташкил этувчи маълумотларнинг субъектлари — мижоз (унинг вакили), меросхўрлар ва ҳуқуқий ворислар, банк, Марказий банк, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, Мажбурий ижро бюроси (МИБ), Давлат солиқ хизмати, Ҳисоб палатаси, Адлия вазирлиги, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, кредит бюроси, суд, прокуратура, дастлабки тергов ва суриштирув органлари, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар, нотариал ва консуллик муассасалари.

Мижоз – банк сирини ташкил этувчи маълумотларни эгаси ҳисобланадиган жисмоний ва юридик шахс.

Меросхўрлар ва ҳуқуқий ворислар – ҳуқуқ ва мажбуриятларни бошқа шахсдан мерос ёки ҳуқуқий ворислик тартибида қабул қилувчи шахслар.

Банк – банк ҳисобварақларини очиш ва юритиш, тўловларни амалга ошириш, омонатларга (депозитларга) пул маблағларини жалб этиш, ўз номидан кредитлар (қарзлар) бериш бўйича банк фаолияти сифатида аниқланган операциялар мажмуини амалга оширувчи тижорат ташкилоти бўлган юридик шахс.

Марказий банк – банк фаолияти соҳасини тартибга солувчи ва лицензиялаш, тартибга солиш ҳамда пруденциал назорат бўйича ваколатларни амалга оширувчи давлат органи.

Банк сирини тақдим этилишининг асослари

Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти – жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича махсус ваколатли давлат органи.

МИБ – суд қарорлари ижросини таъминловчи махсус ваколатли орган.

Давлат солиқ хизмати – банк мижозига (вакилига) солиқ солиш масалаларига тааллуқли ҳолларда қонунчиликка мувофиқ тақдим этилади.

Ҳисоб палатаси – давлат ташқи аудити ва молиявий назоратининг олий органи. Ўз зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириши учун банк сирини ташкил этувчи маълумотларни олишга ҳақли.

Адлия вазирлиги – нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги банк сирини ташкил этувчи маълумотларни, агар бу маълумотлар мазкур ташкилотлар фаолиятида қонунчиликка риоя этилиши юзасидан назорат қилиш соҳасида ўз зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириши учун зарур бўлса.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги – ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга хизмат ва ёрдам кўрсатиш масалалари юзасидан.

	Кредит бюроси – кредит ахбороти алмашинувини амалга ошириш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахс. Суд – ёзма сўрови асосида, мазкур банк мижозига (вакилига) нисбатан суднинг иш юритувидаги ишлар бўйича тақдим этилади. Прокуратура, дастлабки тергов, суриштирув органлари ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлари – прокурорнинг санкцияси билан: уларнинг иш юритувидаги жиноят ишлари бўйича ҳолатларни аниқлаш, шунингдек етказилган зарарни ундиришни ёки мол-мулкни хатлашни таъминлаш мақсадида — терговчининг ёхуд суриштирувчининг асослантирилган қарорига кўра; тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга уларнинг иш юритувидаги тезкор-қидирув ишлари бўйича ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида — тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланган асослантирилган қарор асосида. Нотариал ва консуллик муассасалари – меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани бериш чоғида мерос мол-мулкнинг таркиби ва жойлашган ерини текшириш учун зарур ҳолларда.
7.	Ҳужжатнинг натижадорлиги ва самарадорлиги Ўзбекистон Республикасининг “Банк сирини тўғрисида”ги Қонуни банклар ва уларнинг мижозлари ўртасидаги муносабатларда маълумотларни махфийлигини таъминлаш, банк сирини ташкил этувчи маълумотларни ҳимоя қилиш ҳамда уларни учинчи шахсларга тақдим этишнинг ҳуқуқий асосларини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Мазкур Қонуннинг амал қилиши натижасида банк сирини ташкил этувчи маълумотларни эгаси, яъни мижознинг маълумотларини сақлаш, улардан фойдаланиш ва тақдим этишнинг ҳуқуқий асослари белгиланган. Бунда, банклар зиммасига мижозлар тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш бўйича аниқ мажбуриятлар юклатилиб, банк сирига оид маълумотларни фақат ушбу Қонунда белгиланган тартибда тақдим этиш механизми назарда тутилган. Хозирги кунда, банк сирини ташкил этувчи маълумотларни Қонунга ҳилоф равишда ошкор этиш ва натижада жиноий жавобгарликка тортиш бўйича ҳолатлар аниқланмаган.
8.	Ҳужжатнинг ижобий ва салбий оқибатлари Ижобий оқибатлар Банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг кафолатлари таъминланган. Банкларда сақланаётган мижозларнинг ҳисобварақлари, операциялари ва бошқа банк сирини ташкил этувчи маълумотларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари банк тизимига бўлган ишончни таъминлашга хизмат қилади.

Салбий оқибатлар

Умуман олганда, Қонун ўз олдига қўйилган асосий мақсадларга эришган ва банк сири институтининг барқарор ҳуқуқий асосларини яратган. Амалдаги Қонун 2003 йилда қабул қилинган бўлиб, ҳозирги кундаги молия бозоридаги ўзгаришларни тўлиқ қамраб олмаган ва шу сабабли салбий жиҳатлари ҳам мавжуд. Улар асосан молиявий бозорни ўзгариши билан боғлиқ ҳисобланади ва замонавий молия бозори эҳтиёжларини тўлиқ қамраб олмайди.

Рақамлаштириш жараёнларининг жадаллашиши, масофавий молиявий хизматларнинг кенгайиши, молиявий технологиялар бозори иштирокчилари ва бошқа янги иштирокчиларнинг пайдо бўлиши банк сирини ташкил этувчи маълумотлар алмашинуvinинг янги моделларини шакллантирмоқда.

Янги молиявий хизматлар ва молия бозори иштирокчилари ўртасида маълумот алмашишнинг ҳуқуқий асослари, маълумотларни рақамли платформалар орқали тақдим этиш, улардан белгиланган мақсадларда фойдаланиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг ўзи ва тадбиркорлик обрўсига бўладиган тажовузлардан ҳимоялаш мақсадида уларнинг маблағлари ҳақидаги маълумотларнинг сир сақланиши кафолатларини кучайтириш зарурати мавжуд.

Мамлакатимизда банк сирини ташкил этувчи маълумотларни ошкор қилганлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни белгиловчи яхлит норманинг мавжуд эмаслиги, ушбу соҳадаги ҳақиқий ҳолатни таҳлил қилиш ва муаммоларни ҳал қилиш бўйича чоралар белгилашда қийинчиликлар туғдирмоқда. Амалда банк операциялари ва жамғармалар сирларини ошкор этганлик учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 46-моддаси (Фуқарога маънавий ёки моддий зарар етказиши мумкин бўлган маълумотларни ошкор этиш) ёки Жиноят кодексининг 191-моддасида (Қонунга хилоф равишда ахборот тўплаш, уни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш) жавобгарлик назарда тутилган.

“Банк сири тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасида банк сирини ташкил этувчи (олти турдаги) маълумотлар санаб ўтилган. Бироқ, амалдаги Жиноят кодексида банк сирини ташкил этувчи маълумотларни яхлит муҳофаза қилинмаганлигини, хусусан, кодекс махсус қисмининг 192⁸-моддасида фақат тадбиркорлик субъектлари ҳисобварақларида пул маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги ахборот муҳофаза қилиниб, 141¹, 141², 143, 191-моддаларида умумий норма сифатида хабарларнинг сир сақланиши билан боғлиқ бўлган моддаларда банк сирини ташкил этувчи маълумотлар ҳимоя қилинганлигини кўриш мумкин.

Шунга кўра, банк сирини ташкил этувчи маълумотларни жиноят-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси ўрганиб чиқилди. Арманистон ЖК 199-моддасида (тижорат, суғурта ёки банк сирини ташкил этувчи маълумотларни қонунга хилоф равишда тўплаш ёки ошкор

қилиш), Россия Федерацияси ЖК 183-моддасида (тижорат, солиқ ёки банк сирини ташкил этувчи маълумотларни қонунга хилоф равишда олиш ва ошкор қилиш), Озарбайжон ЖК 202-моддасида (тижорат ёки банк сирини ташкил этувчи маълумотларни қонунга хилоф равишда олиш ва ошкор қилиш), Молдова ЖК 245¹⁰-моддасида (тижорат, банк ёки солиқ сирини ташкил этувчи маълумотларни қонунга хилоф равишда олиш ва/ёки ошкор қилиш), Грузия ЖК 202-моддасида (инсайдер маълумотларни, тижорат ёки банк сирини ўз ичига олган маълумотларни ноқонуний тўплаш, узатиш, ошкор қилиш ёки улардан фойдаланиш), Белоруссия ЖК 254-255-моддаларида (тижорат жосуслиги ҳамда тижорат сирини ошкор этиш), Тожикистон ЖК 277-278-моддаларида (тижорат ёки банк сирини ташкил этувчи маълумотларни қонунга хилоф равишда олиш ҳамда тижорат ёки банк сирини ошкор қилиш), Туркменистон ЖК 250-моддасида (тижорат ёки банк сирини ташкил этувчи маълумотларни қонунга хилоф равишда олиш ва ошкор қилиш.), Қирғизистон ЖК 227-228-моддаларида (тижорат ёки банк сирини ташкил этувчи маълумотларни қонунга хилоф равишда олиш ҳамда тижорат, банк сирини, солиқ тўловчининг сирини ошкор қилиш), Козоғистон ЖК 223-моддасида (тижорат ёки банк сирини, горизонтал мониторинг давомида олинган солиқ сирини, микрокредит бериш сирини, коллекторлик фаолияти сирини ташкил этувчи маълумотларни, шунингдек мол-мулкни легаллаштириш билан боғлиқ ахборотни қонунга хилоф равишда олиш, ошкор қилиш ёки улардан фойдаланиш), Украина ЖК 231-232-моддаларида (тижорат ёки банк сирини ташкил этувчи маълумотлардан фойдаланиш мақсадида ноқонуний равишда тўплаш ёки улардан фойдаланиш ҳамда капитал бозорлари ва уюшган товар бозорларида тижорат, банк сирини ёки касб сирини ошкор қилиш), келтирилган бўлиб, уларда тижорат, банк, суғурта, солиқ (солиқ тўловчининг), касб сири каби атамалар ишлатилган.

Шунингдек, банк сирини ташкил этувчи маълумотларни ғайриқонуний равишда олинганлиги ёки улардан фойдаланилганлиги тўғрисида банк сири эгасининг хабардор бўлмаслиги, мазкур ҳаракатлар яширин равишда амалга оширилиши сабабли, мазкур тоифадаги ижтимоий хавфли қилмишлар латент (ХМҚОга ариза билан мурожаат қилинмаганлиги сабабли) жиноят бўлиб қолмоқда.

Ўрганиш натижалари бўйича, банк сирини ташкил этувчи маълумотларни миждознинг розилиги асосида ва молия бозорининг янги иштирокчиларига тақдим этилиши ҳамда банк сири тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш зарурати юзага келмоқда.

Мазкур ҳисоботнинг тўғрилиги ва маълумотларнинг ишончлилигини тасдиқлайман.

Давлат органи (ташкilotи) раҳбари _____

(имзо)

(Ф.И.О.)

Тартибга солиш таъсирини баҳолаш натижаларига оид МАЪЛУМОТЛАР

1. Тартибга солиш усулининг таъсир доираси

Банк сирини ташкил этувчи маълумотларнинг объектлари — бу банк томонидан муҳофаза қилинадиган қуйидаги маълумотлар:

- ўз мижозларининг (вакилларининг) операциялари, ҳисобварақлари ва омонатларига доир маълумотлар;

- банк ўз мижозига (вакилига) банк хизматлари кўрсатиши муносабати билан мазкур мижоз (вакил) тўғрисида олган маълумотлар;

- мижознинг (вакилнинг) банк сейфлари ва биноларида сақлаб турилган мол-мулки, унинг хусусияти ва қиймати ҳақидаги маълумотлар;

- мижоз (вакил) топшириғига биноан ёки унинг фойдасини кўзлаб амалга оширилган банклараро операциялар ва битимлар тўғрисидаги маълумотлар;

- банк сирини ташкил этувчи маълумотларнинг банклар ўртасида муомалада бўлиши натижасида маълум бўлиб қолган, бошқа банкнинг мижозига (вакилига) доир маълумотлар;

- жамғариб бориладиган пенсия тизимининг иштирокчилари, пенсия бадалларининг миқдори ва суммаларининг ҳаракати, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги пенсия жамғармалари тўғрисидаги маълумотлар.

Банк сирини ташкил этувчи маълумотларнинг субъектлари — мижоз (унинг вакили), меросхўрлар ва ҳуқуқий ворислар, банк, Марказий банк, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, Мажбурий ижро бюроси (МИБ), Давлат солиқ хизмати, Ҳисоб палатаси, Адлия вазирлиги, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, кредит бюроси, суд, прокуратура, дастлабки тергов ва суриштирув органлари, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар, нотариал ва консуллик муассасалари.

Мижоз — банк сирини ташкил этувчи маълумотларни эгаси ҳисобланадиган жисмоний ва юридик шахс.

Меросхўрлар ва ҳуқуқий ворислар — ҳуқуқ ва мажбуриятларни бошқа шахсдан мерос ёки ҳуқуқий ворислик тартибида қабул қилувчи шахслар.

Банк — банк ҳисобварақларини очиш ва юритиш, тўловларни амалга ошириш, омонатларга (депозитларга) пул маблағларини жалб этиш, ўз номидан кредитлар (қарзлар) бериш бўйича банк фаолияти сифатида аниқланган операциялар мажмуини амалга оширувчи тижорат ташкилоти бўлган юридик шахс.

Марказий банк — банк фаолияти соҳасини тартибга солувчи ва лицензиялаш, тартибга солиш ҳамда пруденциал назорат бўйича ваколатларни амалга оширувчи давлат органи.

Банк сирини тақдим этилишининг асослари

Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти – жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича махсус ваколатли давлат органи.

МИБ – суд қарорлари ижросини таъминловчи махсус ваколатли орган.

Давлат солиқ хизмати – банк мижозига (вакилига) солиқ солиш масалаларига тааллуқли ҳолларда қонунчиликка мувофиқ тақдим этилади.

Ҳисоб палатаси – давлат ташқи аудити ва молиявий назоратининг олий органи. Ўз зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириши учун банк сирини ташкил этувчи маълумотларни олишга ҳақли.

Адлия вазирлиги – нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги банк сирини ташкил этувчи маълумотларни, агар бу маълумотлар мазкур ташкилотлар фаолиятида қонунчиликка риоя этилиши юзасидан назорат қилиш соҳасида ўз зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириши учун зарур бўлса.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги – ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга хизмат ва ёрдам кўрсатиш масалалари юзасидан.

Кредит бюроси – кредит ахбороти алмашинувини амалга ошириш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахс.

Суд – ёзма сўрови асосида, мазкур банк мижозига (вакилига) нисбатан суднинг иш юритувидаги ишлар бўйича тақдим этилади.

Прокуратура, дастлабки тергов, суриштирув органлари ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлари – прокурорнинг санкцияси билан:

уларнинг иш юритувидаги жиноят ишлари бўйича ҳолатларни аниқлаш, шунингдек етказилган зарарни ундиришни ёки мол-мулкни хатлашни таъминлаш мақсадида — терговчининг ёхуд суриштирувчининг асослантирилган қарорига кўра;

тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга уларнинг иш юритувидаги тезкор-қидирув ишлари бўйича ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида — тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланган асослантирилган қарор асосида.

Нотариал ва консулик муассасалари – меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани бериш чоғида мерос мол-мулкнинг таркиби ва жойлашган ерини текшириш учун зарур ҳолларда.

2. Тартибга солиш усулининг натижадорлиги кўрсаткичлари

Ўзбекистон Республикасининг “Банк сирини тўғрисида”ги Қонуни банклар ва уларнинг мижозлари ўртасидаги муносабатларда маълумотларни махфийлигини таъминлаш, банк сирини ташкил этувчи маълумотларни ҳимоя

қилиш ҳамда уларни учинчи шахсларга тақдим этишнинг ҳуқуқий асосларини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур Қонуннинг амал қилиши натижасида банк сирини ташкил этувчи маълумотларни эгаси, яъни мижознинг маълумотларини сақлаш, улардан фойдаланиш ва тақдим этишнинг ҳуқуқий асослари белгиланган. Бунда, банклар зиммасига мижозлар тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш бўйича аниқ мажбуриятлар юклатилиб, банк сирига оид маълумотларни фақат ушбу Қонунда белгиланган тартибда тақдим этиш механизми назарда тутилган.

Хозирги кунда, банк сирини ташкил этувчи маълумотларни Қонунга хилоф равишда ошкор этиш ва натижада жиноий жавобгарликка тортиш бўйича ҳолатлар аниқланмаган.

3. Тартибга солиш усулининг ижобий ва салбий оқибатлари

Ижобий оқибатлар

Банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг кафолатлари таъминланган. Банкларда сақланаётган мижозларнинг ҳисобварақлари, операциялари ва бошқа банк сирини ташкил этувчи маълумотларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари банк тизимига бўлган ишончни таъминлашга хизмат қилади.

Салбий оқибатлар

Умуман олганда, Қонун ўз олдига қўйилган асосий мақсадларга эришган ва банк сирини институтининг барқарор ҳуқуқий асосларини яратган. Амалдаги Қонун 2003 йилда қабул қилинган бўлиб, ҳозирги кундаги молия бозоридаги ўзгаришларни тўлиқ қамраб олмаган ва шу сабабли салбий жиҳатлари ҳам мавжуд. Улар асосан молиявий бозорни ўзгариши билан боғлиқ ҳисобланади ва замонавий молия бозори эҳтиёжларини тўлиқ қамраб олмайди.

Рақамлаштириш жараёнларининг жадаллашиши, масофавий молиявий хизматларнинг кенгайиши, молиявий технологиялар бозори иштирокчилари ва бошқа янги иштирокчиларнинг пайдо бўлиши банк сирини ташкил этувчи маълумотлар алмашинувининг янги моделларини шакллантирмоқда.

Янги молиявий хизматлар ва молия бозори иштирокчилари ўртасида маълумот алмашишнинг ҳуқуқий асослари, маълумотларни рақамли платформалар орқали тақдим этиш, улардан белгиланган мақсадларда фойдаланиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг ўзи ва тадбиркорлик обрўсига бўладиган тажовузлардан ҳимоялаш мақсадида уларнинг маблағлари ҳақидаги маълумотларнинг сир сақланиши кафолатларини кучайтириш зарурати мавжуд.

Мамлакатимизда банк сирини ташкил этувчи маълумотларни ошкор қилганлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни белгиловчи яхлит норманинг мавжуд эмаслиги, ушбу соҳадаги ҳақиқий ҳолатни таҳлил қилиш ва муаммоларни ҳал қилиш бўйича чоралар

белгилашда қийинчиликлар туғдирмоқда. Амалда банк операциялари ва жамғармалар сирларини ошкор этганлик учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 46-моддаси (Фуқарога маънавий ёки моддий зарар етказиши мумкин бўлган маълумотларни ошкор этиш) ёки Жиноят кодексининг 191-моддасида (Қонунга хилоф равишда ахборот тўплаш, уни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш) жавобгарлик назарда тутилган.

“Банк сирини тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасида банк сирини ташкил этувчи (олти турдаги) маълумотлар санаб ўтилган. Бироқ, амалдаги Жиноят кодексидан банк сирини ташкил этувчи маълумотларни яхлит муҳофаза қилинмаганлигини, хусусан, кодекс махсус қисмининг 192⁸-моддасида фақат тадбиркорлик субъектлари ҳисобварақларида пул маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги ахборот муҳофаза қилиниб, 141¹, 141², 143, 191-моддаларида умумий норма сифатида хабарларнинг сир сакланиши билан боғлиқ бўлган моддаларда банк сирини ташкил этувчи маълумотлар ҳимоя қилинганлигини кўриш мумкин.

Шунга кўра, банк сирини ташкил этувчи маълумотларни жиноят-хукукий жиҳатдан тартибга солиш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси ўрганиб чиқилди. Арманистон ЖК 199-моддасида (тижорат, суғурта ёки банк сирини ташкил этувчи маълумотларни қонунга хилоф равишда тўплаш ёки ошкор қилиш), Россия Федерацияси ЖК 183-моддасида (тижорат, солиқ ёки банк сирини ташкил этувчи маълумотларни қонунга хилоф равишда олиш ва ошкор қилиш), Озарбайжон ЖК 202-моддасида (тижорат ёки банк сирини ташкил этувчи маълумотларни қонунга хилоф равишда олиш ва ошкор қилиш), Молдова ЖК 24510-моддасида (тижорат, банк ёки солиқ сирини ташкил этувчи маълумотларни қонунга хилоф равишда олиш ва/ёки ошкор қилиш), Грузия ЖК 202-моддасида (инсайдер маълумотларни, тижорат ёки банк сирини ўз ичига олган маълумотларни ноқонуний тўплаш, узатиш, ошкор қилиш ёки улардан фойдаланиш), Белоруссия ЖК 254-255-моддаларида (тижорат жосуслиги ҳамда тижорат сирини ошкор этиш), Тожикистон ЖК 277-278-моддаларида (тижорат ёки банк сирини ташкил этувчи маълумотларни қонунга хилоф равишда олиш ҳамда тижорат ёки банк сирини ошкор қилиш), Туркманистон ЖК 250-моддасида (тижорат ёки банк сирини ташкил этувчи маълумотларни қонунга хилоф равишда олиш ва ошкор қилиш.), Қирғизистон ЖК 227-228-моддаларида (тижорат ёки банк сирини ташкил этувчи маълумотларни қонунга хилоф равишда олиш ҳамда тижорат, банк сирини, солиқ тўловчининг сирини ошкор қилиш), Козоғистон ЖК 223-моддасида келтирилган бўлиб, уларда тижорат, банк, суғурта, солиқ (солиқ тўловчининг), касб сирини каби атамалар ишлатилган.

Шунингдек, банк сирини ташкил этувчи маълумотларни ғайриқонуний равишда олинганлиги ёки улардан фойдаланилганлиги тўғрисида банк сирини эгасининг хабардор бўлмаслиги, мазкур ҳаракатлар яширин равишда амалга

оширилиши сабабли, мазкур тоифадаги ижтимоий хавфли қилмишлар латент (ХМҚОга ариза билан мурожаат қилинмаганлиги сабабли) жиноят бўлиб қолмоқда.

4. Тартибга солиш усулининг самарадорлиги (иқтисодий таҳлили)

Иқтисодий таҳлил асосида тартибга солиш усулининг самарадорлигини баҳолаш имкони мавжуд эмас.

5. ТСТБ ҳисоботи муҳокамадан ўтказилганлиги тўғрисида маълумот

ТСТБ ҳисоботи жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш мақсадида Марказий банкнинг расмий сайтига жойлаштирилди.

Жамоатчилик муҳокамаси 2026 йилнинг 2 сентябрдан 12 сентябригача давом этди ва таклиф ва эътирозлар келиб тушмади.

6. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни баҳолашга имкон берадиган бошқа маълумотлар

Баҳолашга имкон берадиган бошқа маълумотлар мавжуд эмас.

7. Хулоса

Ўрганиш натижалари кўра, банк сирини ташкил этувчи маълумотларни молия бозорининг янги иштирокчиларига ва миқознинг руҳсати билан учинчи шахсларга тақдим этиш ҳамда банк сирини тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш таклиф этилади.